

**Айбланувчини ушлаб бериш (экстрадиция) билан боғлиқ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан ўзаро ҳуқуқий ёрдам бериш тўғрисида тузган шартномалари талабларига риоя қилинмаганлиги сабабли суд қарорлари бекор қилиниб, жиноят иши қўшимча тергов юритиш учун қайтарилди.**

Жиноят ишлари бўйича Жиззах вилоят суди апелляция инстанциясининг 2009 йил 10 декабрдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган, шу суднинг 2009 йил 13 октябрдаги ҳукмига кўра, Н. 2005 йилдан 2007 йил октябрь ойига қадар «Дўстлик пахта тозалаш» очик турдаги акциядорлик жамияти марказий омбор мудири вазифасида ишлаб келиб, бир гуруҳ шахслар билан олдиндан тил бириктириб, жамият омборида сақланган, 104.573.500 сўмлик 45,3 тонна 3,8 миллиметр диаметрли пўлат симларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганликда, Мирзачўл туманидаги «Рустам Яхшибой» фермер хўжалиги ҳамда аниқлашнинг имкони бўлмаган бошқа фермерлар томонидан ҳақиқатда топширилган кондицион вазндаги 608.469.900 сўмлик 1.674,3 тонна пахта хом ашёсини кўшиб ёзишганликда, давлатга пахта сотиш режасини юқори навли пахта хом ашёсини қабул қилиб бажариш мақсадида пахтани етиштирувчи хўжаликлардан пахта хом ашёсини қабул қилиш вақтида якуний солиштирма далолатномаларида паст навли пахтани юқори навли пахта сифатида кўрсатиб, қабул қилиб, ҳужжатларни такроран қалбакилаштиришлари оқибатида жамият манфаатларига жами 89.624.500 сўмлик зарар етказганликда, содир этган жиноятлари фош этилмаслиги учун жамиятнинг қатъий ҳисобида бўлган қабул варақалари рўйхатини, автомобил тарозисидаги юк ўлчовини ҳисобга олиш дафтарини, пахтани қуритиш ва тозалаш учун топширқномалар жилдини нобуд қилганликда, 2007 йил 12

сентябрдан «Пахтазор» ПҚҚМда 2-зона товаршуноси вазифасида ишлаб келиб, 71.875 кг. кондицион оғирликдаги умумий қиймати 30.933.410 сўмлик селекцион навли уруғлик чигитларни ҳисоботидан чиқим қилиб, ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қилганликда, пахта хом ашёсини қайта ишлашдан олинган 923.080 кг. қиймати 79.756.262 сўмлик жуда кўп миқдордаги техник чигитларни ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қилганликда айбдор деб топилиб, Жиноят кодекси 167-моддаси 3-қисмининг «а,в» бандлари, 168-моддаси 3-қисмининг «а,в» бандлари, 205-моддаси 2-қисмининг «а,б,в» бандлари, 209-моддаси 2-қисмининг «а,в» бандлари, 227-моддасининг 1-қисми, 228-моддасининг 1-қисми билан, Жиноят кодексининг 45,59,61-моддаларига асосан 3 йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилган ҳолда 10 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари Н.га нисбатан чиқарилган суд қарорларини бекор қилиб, ишни кўшимча тергов юритиш учун қайтаришни сўраган.

Жиноят ишини судлов ҳайъатида кўриш жараёнида дастлабки тергов органи ва суд томонидан Жиноят процессуал кодексининг 22-моддаси талабларига риоя қилинмагани, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текширилмагани аниқланди.

Жиноят процессуал кодексининг 9-моддасида Ўзбекистон Республикасига хорижий давлати ушлаб берган шахс ўзи ушлаб берилгунига қадар содир этган ва ушлаб берилишига сабаб бўлмаган жинояти учун ушлаб берган давлатнинг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, жазоланиши, шунингдек, учинчи бир давлатга ушлаб берилиши мумкин эмаслиги назарда тутилган.

Иш материалларидан кўринишича, дастлабки тергов органи томонидан Н. Жиноят кодекси 167-моддаси 3-қисмининг «а» бандида назарда тутилган жиноятни содир этгани ҳақида айб эълон қилинган.

Бироқ, Н. терговдан яширингани туфайли унга нисбатан 2008 йил 30 июль куни қидирув эълон қилинган.

Кейинчалик Н. Қозоғистон Республикасида ушлангани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси 1993 йил 22 январдаги «Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида»ги Минск Конвенциясининг 58-моддаси талабига мувофиқ, Қозоғистон Республикаси Бош прокуратурасидан Н.ни ушлаб бериш ҳамда Жиноят кодекси 167-моддаси 3-қисмининг «а» банди билан жиноий жавобгарликка тортишни сўраган.

Қозоғистон Республикаси Бош прокуратураси Қозоғистон Республикаси қонунчилигида жуда кўп миқдорда ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш назарда тутилмаганлиги сабабли, Н.ни кўп миқдорда ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш учун жиноий жавобгарликка тортиш ҳақида розилик берган.

Бироқ дастлабки тергов органи томонидан Қозоғистон Республикаси Н.ни фақат кўп миқдорда ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож билан жавобгарликка тортиш ҳақида рухсат берилган бир вазиятда унга такроран, уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб, расмий ҳужжатларга била туриб, сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиш, ҳужжатларни қалбакилаштириш, ҳужжатларни қасддан нобуд қилиш, жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкани қўлга киритиш жиноятларини содир этганликда айб эълон қилиниб,

Жиноят процессуал кодексининг 9-моддаси ҳамда Минск конвенциясининг талаблари бузилган.

Суд эса ушбу камчиликларга баҳо бермасдан Н.ни Жиноят кодекси 168-моддаси 3-қисмининг «а,в» бандлари, 205-моддаси 2-қисмининг «а,б,в» бандлари, 209-моддаси 2-қисмининг «а,в» бандлари, 227-моддасининг 1-қисми, 228-моддасининг 1-қисми билан ҳукм қилиб, процессуал қонун талабларини бузган.

Минск Конвенциясининг 59-моддасида шахсни ушлаб бериш ҳақидаги талабномада етарли маълумотлар мавжуд бўлмаса, қўшимча маълумотлар сўраб олиниши мумкинлиги, 80-моддасида икки давлат ўртасидаги шахсни ушлаб бериш ҳамда жавобгарликка тортиш масаласи фақат келишувни имзолаган давлатларнинг Бош прокуратуралари орқали амалга оширилиши қайд қилинган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2010 йил 29 апрелдаги ажрими билан Н.га нисбатан чиқарилган суд қарорлари бекор қилиниб, жиноят иши қўшимча тергов юритиш учун қайтарилди.

Дастлабки тергов ва суд томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси бошқа давлатлар билан ўзаро ҳуқуқий ёрдам бериш тўғрисида тузган шартнома талабларига риоя қилинмагани, иш бўйича жиноят-процессуал қонун нормалари жиддий бузилгани юзасидан хусусий ажрим чиқарилди.

***ЖСҲ-73-10-назорат иши***